



МАНАЛЛА

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАХАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 47 (274)

2001 йил 21 ноябр, чоршанба

Газета 1996 йил январ ойидан чиқа бошлаган

Сотувда эркин нархда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 20 ноябр куни Оқсаройда АҚШ сенаторлари Карл Левин ва Жон Уорнер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, АҚШ Конгрессининг сўнгги вақтлардаги фаолиятига юқори баҳо берди.

11 сентябр фожиясидан кейин Сенатда ва умуман Конгрессда партияларо баҳсларга чек қўйиб, бир овоздан мамлакат Президентини қўллаб-қувватлашга қарор қилгани, конгрессменлар хавфсизлики мустаҳкамлаш борасидаги ишларни қонуний ҳужжатлар билан таъминлашга фаол киришиб кетгани эътиборга моликдир, - деди Ислоҳ Каримов. - Ана шу ватанпарварлик туфайли 25 сентябрдаёқ Конгресс «Терроризмга қарши кураш тў-

рисида» қонун қабул қилди.

Маълумки, Сенат 12 сентябр куни террорни тағ-томири билан йўқотиш ишига барча воситаларни жалб этишга қаратилган резолюция қабул қилган эди. Кейинроқ Конгресс Оқ уй маъмуриятининг бу мақсад учун 40 миллиард доллар ажратиб ҳақидаги қарорини маъқулади.

Демократ Карл Левин Сенатнинг Қуролли кучлар бўйича қўмитасига раислик қилади. Жон Уорнер ҳам мудофаа сиёсатида оид қонунчилик ҳужжатларини тайёрлаш, ҳарбий бюджетни кўриб чиқиш, мудофаа вазириликдаги юқори лавозимларга номзодларни тас-

диқлаш каби гоёт муҳим ишлар билан шуғулланувчи ушбу қўмитанинг Республикачилар партияси томонидан сайланган аъзоси. Уларнинг ҳар бири 23 йиллик сенаторлик тажрибасига эга бўлиб, АҚШдаги обрўли сиёсий арбоблардан ҳисобланади.

Оқсаройдаги учрашувда икки мамлакат ўтасида тобора ривожланиб бораётган ҳар томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, Афғонистондаги вазият, минтақамиздаги хавфсизлик ва барқарорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

• Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Демократик институтлар, нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Қонунийлик ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитаси ишчи гуруҳи Андисжон вилоятида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (янги тахрирдаги) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бажарилишини ўрганиб чиқди.

• Андисжон вилоятида 2 миллион 250 минг аҳоли мавжуд. Шуңча аҳоли мавжуд 809 та маҳаллада бир-бирлари билан маҳалладош бўлиб яшайди. Бу маҳаллалар мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сифатида расман эътироф этилади. Шунингдек шу маҳаллаларнинг аксарияти вилоятдаги шаҳарча, қишлоқ фуқаролар йиғинлари тизими



ҳам кириди. Вилоятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла фу-

қаролар йиғинлари фаолияти мамлакатимизда бораётган мазкур тизимнинг деярли барча кў-

шу билан бирга вилоятда бир қатор ўзига хос тажрибалар, янгиликлар, излашлар борки, махсус саҳифамизда шулар ҳақида ҳикоя қиламиз.

«Mahalla»нинг вилоятнома саҳифаси

2-бетда.

Бугуннинг расмий хабарларидан

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) Парламент ассамблеяси раиси Адриан Северин бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Эркин Халилов билан учрашди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон-ЕХХТ ҳамкорлиги самарали кечаётганидан мамнуният билдирилди. Алоқаларни янада ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани қайд этилди.

Музокарада Ўзбекистон билан ЕХХТ ўртасидаги парламентларо алоқалар масаласи атрофида муҳокама этилди. Шунингдек, айни пайтда Афғонистонда юз бераётган воқеалар хусусида фикр алмашилди. Ўзбекистон ҳуқуқматининг террорчиликка қарши кураш йўлида амалга ошираётган ишларига юқори баҳо берилди.


Шу кунни ЕХХТ Парламент ассамблеяси делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазириликда ҳам бўлди.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазириликда мамлакатимиз ташқи сиёсат мақдаси раҳбари Абдулазиз Комилов ҳамда мудофаа вазири Қодир Фуломов билан АҚШ Сенати аъзолари Карл Левин ва Жон Уорнер раҳбарлигидаги делегация ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Музокарада икки мамлакат ўртасида ўзаро ишонч асосидаги мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари қарор топгани, лекин дунёда юз бераётган ўзгаришлар бу алоқаларнинг ҳуқуқий пойдеворини янада тақомиллаштиришни тақозо этаётгани таъкидланди. Айни пайтда мамлакатларимиз шу мақсад йўлидаги сўз-ҳаракатларни фаоллаштиришни қайд этилди. Меҳмонлар АҚШ Ўзбекистон билан қўп томонлама ҳамкорлигини ривожлантиришдан манфаатдор эканини айтди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларга оид ва қатнашчиларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди. (ЎЗА).



2-саҳифасида:

- **Хонобод обод шаҳар. Маҳаллалари ҳам шунга яраша.**
- **«Бизнинг маҳаллада Чўлпон яшаган!»**
- **Оқсоқол ҳам маблағ бўлса, дейди.**

Маълумки, аҳолининг ижтимоий, иқтисодий аҳолини маҳалладан кўра яхшироқ биладиган муассаса йўқ. Бу ўринда ҳеч бир шубҳа бўлишига ўрин ҳам қолмаганлиги давлатимиз

томонидан аҳолига ажратиладиган моддий ёрдам ва нафақаларнинг тақсимоти маҳалла фуқаролар йиғинлари зиммасига юклатилиши билан ҳам ўз ибтидини топди. Аммо бундай масъулият қандай удаланипти, бу ишни амалга ошириш механизми маҳалла аҳлини қаноатлантираётими?

Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазириликда ана шу масала атрофида барзибир ҳулосалар ясаш ўрни келганлиги ҳақида фи-

ИЖТИМОЙ ЁРДАМ МЕХАНИЗМИ

у қандай бўлиши керак?

қрлар пайдо бўлаётгани ҳам табиий ҳолдир. Чунки ҳар бир йўлга қўйилган тадбир ҳам вақт ўтиши билан ўз тақомиллашувини тақозо этади.

Яқинда Ўзбекистон оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Республика бо-

шқарувида Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири, шу соҳанинг вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўлимлари, туман ва шаҳар оқсоқоллар кенгашлари ва жамғарманинг бўлиналари раислари, ўзини ўзи бошқариш органлари иш-

Бугунги мавзу

тироқидаги бўлиб ўтган кўшма йиғилиш шу масалага бағишланди.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раиси Шухрат Жалилов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Оқил Обидовларнинг таҳлилий характердаги маърузаларида бу борадаги, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ва-

зирилар Мақдасининг қарорларига мувофиқ аҳолига давлат томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартибини бажарилиши юзасидан йўл қўйилган камчиликлар ва бу борадаги механизмни тақомиллаштириш чоралари ҳақида тўхтади. Йиғилиш қатнашчиларнинг қўллаб-қувватлашга эҳтиёжи.

Йиғилиш тегишли қарор қабул қилди. Жумладан қарорда бу борадаги масъулиятни янада кучайтириш, турли даражада текширишлар ўтказиш, муҳокама қилиб бориш, ажратилган маблағни тежамли ва самарали тақсимлаш борасида тақдирлар кириштириш, семинарлар ўтказиш каби тадбирлар белгилаб қўйилди.

«Mahalla»га жавоб: «Маошсиз мутасаддилармиз»

Мақола шаҳар молия бўлимида ўрганиб чиқилди.

Шу нарса аниқландики, ҳақиқатда ҳам шаҳар статистика бўлими маълумотномасида Х.Абдужабборов маҳалласида 495 та хўжалик 633 та оила мавжуд деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Мақдасининг 1996 йил 10 декабрдаги «Бола оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида оила сони 500 тадан кам бўлмаган маҳалла фуқаролар йиғини раис ва котибларига иш ҳақи бюджетдан тайинланиши кўрсатилган.

Лекин Ўзбекистон Республикаси Молия Вазириликнинг 2001 йил 7 март ША/21-15-77-сонли хатига асосан маҳалла ҳудудидан янаётган оилалар сони уй ҳужжатлари сонидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланиши, яъни бир ҳовлида ота-она, ҳамда фарзандларнинг оиласи яшаб умумий рўзгор олиб борилса, бу ҳолда улар битта оила деб ҳисобланиши кўрсатилган.

Шунга асосан мақолада таъкидланганидек маҳалла ҳудудидан 633 та оила эмас, 495 та хўжаликда 495 оила ҳисобланганини сабабли бу маҳалла раиси, котиби ва посбонига бюджетдан иш ҳа-

қи тўлаш учун йиллик тасдиқланган харажат лойиҳасига киритилмаган.

Шу сабабли Х.Абдужабборов маҳалласи ходимларига бериладиган ойлик маош маҳаллий бюджетнинг чораклик ижроси яқини бўйича иқтисод қилинган маблағлар миқдори доирасида тўлаб келинмоқда.

Шаҳар ҳокимлиги йил якунигача иқтисод қилинган маблағлар доирасида маҳалла ходимларининг барча маошларини тўлаш чора-тадбирини кўради.

К. ЖўРАЕВ, Жиззах шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари.

ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

Тошкент вилоятининг Юқоричирик туманидаги «Аргачи» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан янги қишлоқ врачлик пункти иш бошлади.

Ҳашар йўли билан бунёд этилган ушбу муассаса Дархон ва Усмонобод қишлоқлари аҳолисига тиббий хизмат кўрсатади. Янги шифо масканида она ва бола, фи-

зиотерапия, гинекология бўлимлари мавжуд. Кундузги стационарда 15 бемор ётиб даволашни мумкин. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган врачлик пункти беш мингдан зиёд фуқаро соғлигини ҳимоя қилади.

Мазкур мавзуга бағишланган кеча бўлиб ўтган халқаро конференция ушбу туркум семинарининг якуний табири ҳисобланади. Анжумани республика Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раиси, Олий Мажлис депутати Шухрат Жалилов маҳалланинг бугунги ҳаёти, истиқбол борасидаги кириш сўзи билан очди. Олий Мажлиснинг Федератив Ўзбекистондаги элчис жабоб Мартин Хескер, Швейцария конференциясининг Ўзбекистондаги факультетда ва мутор элчис жабоб Вильгельм Майерлар анжуман иштирокчиларини қутқалди. Конрад Аленгауз жамғармасининг Урта Осиё минтақасидаги мутор вакили жабоб Вольтер Шрайбер ҳам Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда жаҳонда ягона бўлган маҳалла тизимининг ўрни қатталтиришга ишонч билдириди.

Халқаро анжуман иштирокчилари мавзу доирасидаги кўпгина масъулларни тингладилар, мунозараларда қатнашдилар.

Л.СУВОНОВ, ЎЗА мухбири.

Халқаро конференция:

ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

2001 йил мавзусида Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятларида Конрад Аленгауз Фонди, Швейцария ҳамкорлик ва тараққиёт агентлиги, Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон «Тадбиркор айл» ассоциацияси, Журналистларни ўқитиш ташкилати ҳамда «Заковат» тадбиркорлиги инфороматсион қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан «Маҳалла ўзини ўзи бошқариш органлари - фуқаролик жамияти тараққиёт асоси. Уларнинг қишлоқлардаги ислохотлари чуқурлаштиришдаги рол. Ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатлари ва уларни Ўзбекистон асосий аҳоли воситаларида ёритилиши» мавзусидаги туркум семинари ўтказилди.

Тошкентда ва вилоятларда ўтказилган семинарларда эгзан тадбиркорлар, фермерлар, ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, ёшлар ва журналистлар гуруҳларининг энг фаол иштирокчилари қатнашдилар. Мазкур лойиҳанинг мақдди жамиятнинг ушбу ижтимоий гуруҳларидан янги тақдирини шакллантириш, бозор иқтисодини шартонда қишлоқ хўжалигини ислох қилиш ва тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунларини тушутириш. XXI асрда маҳалла фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида қандай бўлиши лозимлиги борасидаги масалаларга оидлик кириштирилган иборатлар. Ҳозирги пайтда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида муҳим ўрин тутатган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу ўринда мамлакат Президентининг ўзининг Олий Мажлис сессиясида сўзлаган нутқида батафсил сўз юритган.

Мазкур халқаро конференциядан қўзғалган асосий мақсад ушбу семинар гуруҳлари ўртасида ҳамкорликни шакллантириш, маҳаллий тадбиркорлигини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор бериш ва шу орқали жамиятнинг демократик структураларини тараққиёт этиришлар.

Мазкур мавзуга бағишланган кеча бўлиб ўтган халқаро конференция ушбу туркум семинарининг якуний табири ҳисобланади. Анжумани республика Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раиси, Олий Мажлис депутати Шухрат Жалилов маҳалланинг бугунги ҳаёти, истиқбол борасидаги кириш сўзи билан очди. Олий Мажлиснинг Федератив Ўзбекистондаги элчис жабоб Мартин Хескер, Швейцария конференциясининг Ўзбекистондаги факультетда ва мутор элчис жабоб Вильгельм Майерлар анжуман иштирокчиларини қутқалди. Конрад Аленгауз жамғармасининг Урта Осиё минтақасидаги мутор вакили жабоб Вольтер Шрайбер ҳам Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда жаҳонда ягона бўлган маҳалла тизимининг ўрни қатталтиришга ишонч билдириди.

Халқаро анжуман иштирокчилари мавзу доирасидаги кўпгина масъулларни тингладилар, мунозараларда қатнашдилар.

Мухбиримиз.

3-саҳифасида:

- **Маишур режиссёр маҳалла ҳақида нима дейди?**
- **Маҳалла аҳли хушёр бўлса, маҳалладошининг қалбини сезади.**

4-саҳифасида:

- **Маҳалладошлар ёнма-ён қурилган бинолардек: бир-бирини қўлайди.**
- **Дунё кенга кенг, торга тор! Тил билмаганга... жарима!**

MAHALLA

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Мақола ва хабарлар мазмунини, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Ташкирийат манзили: Тошкент, Буёқ Турон кўчаси, 41-уй

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75 ижодий бўлими — 136-53-82, Қабулхона — 136-53-93, Тел/Факс: — 133-44-25.

E-mail: mahalla@gazeta.silk.org

ВИЛОЯТ ФУҚАРОЛАРИНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ҲАЁТИДАН

Вилоятда 5 та шаҳарча фуқаролар йиғинларига кировчи 20 та, 95 та қишлоқ фуқаролар йиғинларига кировчи 618 та маҳалла мавжуд.

Вилоятнинг чегара ҳудудларида маҳалла аҳли орасидан танлаб олинган энг жасур ва сергак 467 нафар йиғитлар чегара постанларига яқиндан ёрдам бермоқда.

«Оналар ва болалар» йил муносабати билан гиёвандлик ва унинг ўта оғир салбий оқибатлари ҳақида маҳалладошларга 5,5 миңдан ортқ матруза ўқилиб, суҳбат, йиғилиш ва бошқа амалий учрашувлар ўтказилди.

2000 йил давомида 3629 оилага 8 миллион 150 миң сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Бу кўрсаткич жорий йилнинг 10 ойида 3917 оилага 8 миллион 833 миң сўмни ташкил этди.

2001 йилнинг 1 январидан «Янги йил» кечасини нишонлаш муносабати билан 1,5 миңга яқин Президент совғалари, 2,5 миңдан ортқ ҳокимликлар томонидан тайёрланган совғалардан болажонларга улашилди.

Айрим ҳолларда Давлат нафақаларини ортқча тўлаб бериш ҳоллари учраган. Масалан, Хўжаобод маҳалла фуқаролар йиғинида иккита оилага фарзандлари 16 ёшдан ошган бўлса ҳам уларга 4680 сўм ортқча тўланган.

Пахтабод туманида 18 та маҳаллага 10 сотихдан ер берилган бўлса, Шахрихон туманида «Маҳалла» жамғармаси бўлинишига 6 гектар ер ажратилган. Андижон шаҳар ҳокимлиги томонидан «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар бўлинишига 700 миң сўм пул ва битта кэмпьютер ажратилди.

Ўтган сайловларда 858 нафар йиғин раисларининг 45 нафари, 7559 нафар маслаҳатчиларининг 389 нафари ва 858 нафар масъул котибларнинг 154 нафари биринчи марта сайланди. Сайланган раисларнинг 668 нафари олий маълумоти, 155 нафари эса ўрта махсус маълумоти.

Шахрихон тумани Янгийўл қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Найман маҳалла фуқаролари кўрғокчиликдан жабр кўраётган Коракалпоқ халқига ўз томорқаларида етиштирилган мева-сабзавотлардан 10 тонна беминнат ёрдам кўрсатишди.

2001 йилда маҳаллаларда 40 тага яқин катта-кичик спорт иншоотлари курилди.

«Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими томонидан «Маҳалла халқ университети»нинг намунавий Низоми ишлаб чиқилди.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида ўтказилган бўш ўринлар ярмаркаларида 1752 нафар маҳалладош иш билан таъминланди.



Қаландархона маҳалласи фуқароси, 2 жаҳон уруши қатнашчиси, 1 гуруҳ ногирони, 105 ёшли отахон Порсихон Оқилхон муродом юрт тинчлиги, юртбоши омонлиги, халқ фаровонлигини сўраб дуо қилади.

МАҲАЛЛА МОЛИЯСИ... У БАРҚАРОР БЎЛСИН



Маҳалламиз Андижон шаҳрининг энг аҳоли кўп яшайдиган ҳудудларидан бири. Худудимизда йирик корхоналар мавжуд. Шу корхоналар билан оқилона муносабат, маҳалла ҳудудидаги тадбиркорлик ишларимиз маҳалла ҳисоб рақамининг доимо ҳаракатда бўлишига сабаб бўляпти.

Сир эмас, бугунги кунда коммунал тўловларнинг ўз вақтида йиғилишига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий муҳофиза мақсадидаги маҳалла аҳолисига давлат томонидан ажратилган турли нафақаларни ўз эгаларига тўғри етиб боришини таъминлаш фуқаролар йиғинининг бугунги муҳим вазифаларидандир. Биз бу икки вазифани бир-бирига ўзаро боғлиқ ҳолда олиб бораёلمиз. Маълумки, коммунал тўловларнинг баъзи турларини бажариш маҳалла ҳисобига маблағ олиб келади. Аммо буни бажаришининг ўзи бўлмади. Чунки бу борада тўлаш имконияти кам бўлган оилалар бор ва уларнинг қарзи ошиб бораверади. Биз худди шундай оилалардан яъни, кам даромадли, ногирон, касалманд, ёшга кексалар яшайдиган ва шу сабабли газдан фойдаланганлик учун қарзларини тўлаш имконияти бўлмаган 70 оилани аниқлаб, бу тўловларни ҳомиёлар берган маблағлар эвазига амалга оширдик. Бу билан бир томондан маҳалла ҳудудидаги худди шундай оилалар моддий қўллаб-қувватланди, оиланинг қарздорлик туфайли букик қалди тикланди, иккинчи томондан газ тўловлари 100 фоизга бажарилди. Бу иш

эвазига эса газ идоралари томонидан 200 миң сўм пул бизнинг ҳисоб рақамимизга ўтказилди. Бу маблағ ҳам маҳалладаги ночор оилаларни ижтимоий ҳимоясига турли йўналишлар орқали сарфланди.

Маҳалламиз ҳаёти ҳам, фаолияти ҳам худди шундай барқарор молиявий заҳира эвазига мазмунли кечмоқда. Ушбу йил ёзда Ўзбекистон оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси томонидан ўтказилган бошқариш ва усмирлар ўртасидаги маҳаллалараро «Футболимиз келажиги» мусобақасининг 12-14 ёшлар баҳсида республикада 3-ўрин соҳиби бўлдик. Фаолларимиз ва кўплаб маҳалла маҳали аҳлининг Бухоро, Самарқанд, Шахрисабз, Туркистон, каби шаҳарларга саёҳати ҳам худди шундай кўнгили тадбирлардан бири.

Бизнинг, маҳалла фаолларининг фаолият доираси кенгайиб бораётганлиги шаҳар ҳокимияти томонидан муносиб баҳрланиб келинапти. Хусусан, маҳалла идораси учун энг қулай жойдан бино ажратилиши бунинг аяқол мисоли. Бу бино маҳалла мўлкига айланди.

Сардор ШАМСИДИНОВ,
Андижон шаҳар Султон Жўра номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси



Андижон маҳаллаларида зардўз, тикувчилик билан шуғулланиш одатий ҳол.

Хонобод шаҳрини андижонликлар ўзимизнинг Швейцария, деб ҳам кўйишди. Швейцария табиати, табиий манзараси билан дунё аҳлига танилганини инобатга олсак, бу гапдан нимага ишора берганини сезиш мумкин. Бир қараганда шаҳар табиати, дов-дарахти, майсалари бу - табиат инъоми. Аммо табиатнинг ўзи дов-дарахтни, кўм-кўк майсани, яхшисини танлаб тартиб билан экмайди, уни тарашлаб, тартибга солиб, ундан гузаллик яратиб қўймайди.

Маҳсим ака. - Чунки шаҳримиз яшил шаҳар. Оқсоқол ва унинг фаоллари ҳар кунлик ишини маҳалла аҳли билан ўз худудини тозалаш, дарахт ва яшилликларга ишлов бериш билан бошлайди. Ҳатто шаҳар ҳокимлиги ҳам, аҳоли ҳам, оқсоқол ва фаоллар шу ишни ниҳоятга етказмагунча унга халақит бер-

ҳар бир оқсоқол ўзига яратилган шароит даражасида ишларни, хусусан, кичик ва ўрта бизнесни шакллантириши, ўз худудидаги ташкилотлар билан муносабат ўрнатиб ишлаши зарурлигини, ўзларига хизмат кўрсатувчи шаҳар ташкилотларининг керакли ўринда ҳисоб беришига эришиши лозимлигини билади ва бунга қурб ет-

ХОН ОБОДНИНГ МАҲАЛЛАЛАРИ

Бизда маҳалла ҳақиқатдан ҳам ўзини ўзи бошқаради. - дейди мажкур шаҳар ҳокими.

Бу шаҳарчада раҳбарни корхонаси биноси атрофида экилган гулларни қуритиб қўйгани учун вази фасидан олинди, деса, маҳалла оқсоқоли ҳар кунлик худуд тозаланишига ва майсаларга беоқибатлиги учун одамлар томонидан сайланмабди, деса ишонаверинг. Гарчи бу ҳол асосий иш нуқтаназаридан нотўғрига ўхшаб кўринса-да, аммо хонободликлар учун табиий ҳол. Баҳор эмас, ёз эмас, айни қиш арафаси - ҳаммаёқни баргу хазон қоплайдиган бир пайтда яшиллик, бунинг устига, шу экилган дов-дарахтлардаги шакл-мазмунни кўриб, шаҳар ҳокими Маҳсим ака Мусаев билан суҳбатни шу мавзуда, қолаверса бу ишларда маҳалланинг ўрни ҳақида бошладан бошқа чора йўқ эди.

Маҳалла - фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг, фуқаролик жамиятининг аяқол кўриши. Шу кўринишни шаҳар миқёсида қандай тасаввур қилиш мумкин? - Шаҳарда 1 та қишлоқ фуқаролар йиғини бор. Унинг худудида ва шаҳарда алоҳида кўринишдаги жами маҳаллалар сон 12 та. Шу йил барча маҳаллаларда муқобиллик асосида оқсоқоллар сайланди. Ҳатто баъзи ўринда аҳоли 22 ёшли номзодни ҳам кўрсатиб, ўзларига оқсоқол қилиб сайлашди. Халқимиз оқсоқол қандай одам бўлиши лозимлигини, бўлажак оқсоқол ҳам ўзининг бу ишни эндай олиш-оқмаслигини билади. Уларга берилган эркинликлар бунга имкон яратди. Ҳозир бизда ҳокимдан топшириқ кутиб ўтирадиган оқсоқол йўқ. Тумандаги

Маҳалла - фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг, фуқаролик жамиятининг аяқол кўриши. Шу кўринишни шаҳар миқёсида қандай тасаввур қилиш мумкин? - Шаҳарда 1 та қишлоқ фуқаролар йиғини бор. Унинг худудида ва шаҳарда алоҳида кўринишдаги жами маҳаллалар сон 12 та. Шу йил барча маҳаллаларда муқобиллик асосида оқсоқоллар сайланди. Ҳатто баъзи ўринда аҳоли 22 ёшли номзодни ҳам кўрсатиб, ўзларига оқсоқол қилиб сайлашди. Халқимиз оқсоқол қандай одам бўлиши лозимлигини, бўлажак оқсоқол ҳам ўзининг бу ишни эндай олиш-оқмаслигини билади. Уларга берилган эркинликлар бунга имкон яратди. Ҳозир бизда ҳокимдан топшириқ кутиб ўтирадиган оқсоқол йўқ. Тумандаги

Вилоят ҳокимлиги ҳузурдаги заҳирадаги кадрлар тайёрлаш мактабидан «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилишига бағишланган семинар-суҳбат ўтказилди.

Уни вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитасининг раиси Муаззам Шамсиддинов кириш сўзи билан очиб, вилоятдаги фуқароларнинг ўзини ўзи

Семинар-суҳбат

МУАММО ҲАМ, ТАКЛИФ ҲАМ АЙТИЛДИ

бошқариш органлари фаолияти ҳақида қисқача ахборот берди. Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси Акмал Саидов иштирок этиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига парламент даражасидаги эътибор ҳақида, қонуннинг бажарилиши бора-бора вазифалар хусусида сўзлади. Вилоят Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Аминжон Солиев қонун талабларини ҳаётга жорий этишда жамғарма ва кенгаш томонидан йўлга қўйилган тадбирлар хусусида ҳисобот қилди.

Семинар-суҳбат қизгин мунозаралар асосида давом этди. Унда қатнашган туманлар ҳокимлар ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ раҳбарлари, оқсоқоллар кенгашлари ва жамғарма туман бўлиналари раислари, оқсоқоллар қонунни бажариш йўлидаги фаолиятлари, тажрибалари, ҳатто баъзи бир муаммолар ҳақида гапириб, шунингдек, унинг бартарафи йўлидаги тақлифларини ўртага ташладилар.

Юрт қиёфаси

уч хонадан иборат идора, у ерда телефон ва бошқа шарт-шароитларнинг бўлишини биз ўз масъулиятимиз деб ҳисоблаймиз. Уларнинг тадбиркорлик ишларини қўллаб-қувватлаймиз. Ҳозир деярли шаҳарда ишсизлик йўқ. Меҳнатга лаёқатли 16-17 миң одам учун иш ўринлари етарли. Ҳозир мавжуд бўлган 3 та қўшма корхонанинг ҳар бирида миңга яқин одам меҳнат қилади. Ишсизлик кўпгина кўнгилисизликларга олиб келади. Хусусан, ёш оилаларнинг бузилишига ҳам. Биз маҳалла фаолларини бир нарсасга даъваткор бўлишини талаб қиламиз. Яъни, ёш йиғитларнинг ҳади бир касб-корнинг бошини тутмасдан, ўзи учун ва яна камидан икки одамга еттулик даромад қилиш даражасига етмасдан турмуш кўрсаткичларини тарғиб қилишга. Бу кимнингдир назаридан, айниқса хорижлик меҳмон назаридан инсон ҳуқуқини бузишдек туюлар. Аммо ҳаёт ҳақиқатини биров-бировдан сабоқ олиб, кўрсатма олиб ўрганади. Чунки бузилаётган оилалар таҳлили ажралиш сабабларини бир учи моддий камчиликларга бори тақаллишини ҳам кўрсатиб турибди. Суҳбатимиз яна Хонободнинг гузал табиати, манзарасига бориб тақалди. - Биласизми, - дейди Маҳсим Мусаев, - одамларимизга шундай яшаш ёқмади. Бизнинг энг катта ютуғимиз шуки, шаҳримиз аҳолиси шундай бўлишини ўз табиатларига синдириб бўлишди.

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ МАҚСАДИ

Избоскан туманидаги Турдиали Мамажонов номли маҳалла оқсоқоли Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг «Энг яхши тадбиркор маҳалла оқсоқоли» танловининг ушбу йилги ғолиби бўлди.

Абдуманноб ака икки-уч йил ичида кўп бетоб бўлди. Унинг ўрнида бошқа одам бўлса, етмишга етган одамга бу ташвишларнинг нима кераги бор, деб қўл силтаб кетган бўларди. Абдуманноб ака ундай қилмади. Чунки у ўз ташвиши билан яшаб ўрганмаган. Бунинг устига маҳалла аҳли ҳам уни уйда бекор ўтиришга унамади.

Одамлар маҳаллага бошчилик қилишни ишониб топширишибдики, демак ўша ишончни оқлаш керак. Аслида маҳаллабошчилик аввалгидек фахрий иш эмас, ҳатто кўпчилик ҳавас қилмаган иш ҳам эмас, югуру-югури кўпчилигини ҳам яхши билади. Одамлар ўз оиласи ташвиши билан яшаса, у маҳалласидаги барча оила ташвиши билан елиб-югуради. Беш қўл баробар бўлмаганидек, маҳалласида бой-бадавлатлар ҳам, ночор оилалар ҳам йўқ эмас. Қайси оила қандай ёрдам кераклигини ҳис қилиб туради.

Маҳаллага давлат томонидан ажратилган пул маблағи етмаса, туман меҳр-шафқат ташкилоти ёки бошқа манбалардан маблағ топиб, ўша оилага ёрдам беришга уринади. Абдуманноб ака қаерга бош урмаса, ўзи учун сўрамаётганини билишади. Маҳаллада ҳар йили Наврўз, Мустақиллик байрами ҳомиёлар ёрдамида катта тўй қилинади.

Айниқса, маҳалла аҳли фахр билан номини кутарган марҳум Турдиали Мамажоновнинг тадбиркор фарзандлари - ака-ука Адҳамжон, Мирзаали, Мақсуд-

жонлар эл хизматига доим шай туришди. Маҳаллада 3380 нафар аҳоли бор. Ўтган йили янги кўчаларнинг бирига иккита газ тақсимлаш агрегати ўр-

- Абдуманноб тиниб-тинчимайдиган инсон, - дейди Абдушукур ота Йўлдошев. - Мактабларнинг битирувчи болаларини тўплаб байрам



натилди. 130 миң сўм маблағ маҳалланинг ўз жамғармаси ҳисобидан ёрдам учун берилди. Абдуманноб ака маҳалладаги кам таъминотли, ночор оилаларни яхши билади. Доимо ҳолидан хабар олиб туради. Уй қураётган бўлса, заҳирада турган ёғочдан ёрдам беради. Шу мақсадга тераклар эккан. Қолаверса, яна 200 туп терак кешишга тайёр бўлиб турибди.

- Мана шу теракларимизнинг ўзи анча пул, - дейди Абдуманноб ака. - Шунингдек, «Атлас» ҳиссалорлик жамиятининг ҳам анчагина акцияларни сотиб олганмиз. Бундан ҳам ҳисобимизга даромад (дивидент) тушиб туради.

Биз Абдуманноб акани республика Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси томонидан мамлакатимиздаги энг яхши тадбиркор «маҳалла оқсоқоли» деб топилгани билан қутлагани ўтганимизда бир гуруҳ отахонлар билан суҳбатлашиб қолдик.

қилиб берди. Олтимишга яқин аёлларга дастурхон ёзди. Мана ҳозир қабристонимиз атрофини гиштдан ўратмоқда.

- Ҳар йили 20-30 та болага хатна тўйи қилиш, 5-10 та келин олиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди, - гапга қўшилди Шоқирмаҳсум бува. - Бу йил ҳам яна элга дастурхон ёзди. 10 дан ортқк ночор оилалар болаларининг тўйини ўтказди. Аммо шу кунни ўзининг тоби айнаиб тўйга қатнашолмади. Йиғилганларнинг бариеси Яратгандан унга шифо тилаб дуо қилишди.

Бугун Абдуманноб ака Қобуллов касалликка сўз бермай ўрнидан турган. Яна у эл ташвишларида юрибди.

А.ДАМИНОВ.
Суратда: маҳалла оқсоқоли Абдуманноб Қобуллов (ўнгда) тадбиркор Адҳамжон Мамажонов ва маҳалла фуқаролар йиғини котиби Абдувоҳит Эргашев билан мулоқотда.


Маҳалла маънавияти

ЧЎЛПОННИНГ МАҲАЛЛАДОШЛАРИ

Андижон шаҳридаги Қаландархона маҳалласи гузарари доимо гавжум. Аввало бу кўркам гузар, ундаги шарт-шароитларни кўриб, бу масканни ҳашар йўли билан қўрган эл улусининг ташаббусига офарин дейсиз. Бу ерда ўрнатилган ўнлаб чорпой супаларни кўннинг ҳеч вақтида бўш кўрмайсиз. Биз ўнлаб кишиларнинг ҳар бир супада 6-8 тага бўлиниб



ўртада бир нуқтага бош эгиб ўтиришганини узоқдан кўриб ҳайрон бўлдик.



Ахир рўзани рамазон ойида аҳли мусулмон яна аксарият отахонлар чойхўрлик қилишмаётгандир. Яқинроқ бориб эса бу маҳалланинг маҳаллалараро шахмат мусобақаси ғолиблиги сабабини тушундик. Ишонинг, ўнлаб отахонлар от уйнатиб, шоҳ қувлапти, яъни шахмат уйнашпти.

Ундан-да кўнгили ҳолат - маҳалла фуқаролар йиғини раиси бошлаб кирган маҳалла аҳли ташаббуси билан яратилган Чўлпон музейи, боғ ўртасидаги Чўлпон ҳайкали ва унинг рамзий қабрининг яратилганлиги эди.

Суратларда: Қаландархона маҳалласида Чўлпонга ўрнатилган ёдгорлик (юқоридан) ва унинг рамзий қабри (пастдан).

ОҚСОҚОЛ ЭККАН ТЕРАКЛАР

Балиқчи туманидаги Охунбобоев номли маҳалла оқсоқоли Олимжон Мирзабаримов юртни, қолаверса ўз маҳалласини теракзорга айлантириш ташаббуси билан чиқди.

Олимжон ака бу ташаббусни биринчи бўлиб ўзи қўллаб қувватлади, яъни бўш ётган ерлар ва йўл ёқларига 250 туп терак экиди. Ҳозир улар-

нинг ҳар биридан 2 та тўсиқ чиқди. Буни кўз билан қўрган маҳалладошлар маҳалла ҳудудида 250 миң донга қўчат экиб бўлишди. Энди маҳаллада ҳеч ким тўсин излаб маҳалладан нари чиқмайди.

Саҳифани ўз мухбирларимиз уюштирди.

«МАҲАЛЛА ҲАҚИДА ФИЛЬМ ЯРАТИЛСА БЎЛАДИ»... ОҚСОҚОЛНИ ҲОКИМ ҚЎЛЛАСА... СОБИҚЛАР ҚУРУҚ КЕЛИШМАДИ...

Тамара она ва Мели Маҳкамолар оиласига кўпчилик ҳавас қилса, эҳтимола. Ҳар икковлари ҳам Ўзбекистон телевидениесида қарийб қирқ йилдан буйи фаолият кўрсатишади. Уларни деярли бутун мамлакат ахли танийди. Ҳар икковлари ҳам кўп йиллик ижодлари довомида миллий, ўзимизга хос ва мос асарлар яратиб халқимиз меҳрини қозonganлар.



Мели МАҲКАМОВ,
Тамара МАҲКАМОВА:

«МАҲАЛЛАМИЗНИ ЯХШИ БИЛАМИЗ»

Бизнинг Юнусобод туманидаги Қошғар маҳалла-миз Тошкентнинг энг қадимий маҳаллаларидан. Ҳатто 1966 йилдаги зилзиладан кейин қурилган кўп қаватли уйларга ҳам маҳалламиз ахли бирликда кўчиб ўтган, - ҳикоя қиладилар Мели ака. - Тамара опангиз табиатан куйди-пиши инсон бўлганлари учун мана шу ўзимиз истиқомат қиладиган 21-«дом»нинг ҳамма аёллари бош-қош, худлас «женсовет»да...

Ҳа шундай. Сиз «домком», ва оқсоқоллар кенгашига аъзо бўсангиз, бизга «женсовет»лик мос-да, - жимаядилар Тамара она. Шундай қилиб, Тамара она ва Мели ака Маҳкамолар билан режислаштирилган суҳбатимиз ўз-ўзидан маҳалла мавзусидан бошланди. Мели аканинг уйбоши эканликлари бежизга эмас, у киши маҳалланинг паст-баландлини яхши билар эканлар.

М.М. - «Дом»ларда маҳалла-қўйчилик, кўшничлик муносабатлари сустрок бўлади деган фикр ҳам бор. Маҳалламизда турли миллат вакиллари яшашига қарамай, жуда аҳилмиз. Ҳозир айни бошни бошга қовуштиридан давр, ҳамжихатликка етган даврга куч дунда йўқлигини ҳамма англаб етган.

Т.М. - Бир маҳаллада 30-40 йиллаб яшаймиз, аҳил бўлмайми? Бир-биримизга кўшничлик, маҳалладошчилик эмас, яқин қарин-

дошдек меҳр кўрсатамиз, борди-келди қиламиз. Биз аёллар бундай муносабатларни жуда ўрнига қўямиз-да!

- Сизлар халқ тили билан айтганда, кўшгани билан кўша қариётган жуфтликсиз. Устига устак қирқ йил елкама-елка ижод қилгансизлар. Ижод ахли бироз инжик бўлади, дейишади. Уйда ҳам ишда ҳам доим бирга бўлишнинг салбий томонлари ҳам борми?

М.М. - Ишда ҳам уйда ҳам бирга бўлишлик... Кўпчилик орзу қиладиган, аммо барчага ҳам насиб этавермайдиган бахт. Англишча, бир-биридан зерикмайдиган одамларгина ҳам ишда, ҳам оилада ҳамжихатликка эриша оладилар. Ҳар хил касб эгаларининг уйда

этанман. Шундан кўпчиликда «Булар ҳаётда ҳам эр-хотин бўлса керак», деган таассурот пайдо бўлган экан. Бир куни Мели ака билан машинада кулишиб ўтирсак, бир одам ёнимизга келиб: «Мен сизнинг санъатингизни жуда ҳурмат қилардим. Бу қанақаси, уялмайсизми бировнинг машинасида кулишиб ўтиргани? Ҳасан Йўлдошевдек яхши одамга хиёнат қилаясиз!», деб қолса бўладими? Хўжайиним билан анча вақтгача бу воқеани эслаб кулишиб юргандик.

М.М. - Бизнинг соҳада операторга кўп нараса боғлиқ бўлади. Бир сафар спектакл жонли ўйналиб, тўғридан-тўғри эфирга

одамзот ота-онаси тирикчилигида - уларга, улардан кейин эса турмуш ўртоғига суяниб қоларкан...

- Маълумки, одамлар сизни асосан сахнада кўради, аммо сахна ортида ҳам қизиқ, қутилмаган воқеа-ҳодисалар юз бериб туради.

Т.М. - Деярли кўп ролларни раҳматли Ҳасан Йўлдошев билан ижро

қилган. Шундан кўпчиликда «Булар ҳаётда ҳам эр-хотин бўлса керак», деган таассурот пайдо бўлган экан. Бир куни Мели ака билан машинада кулишиб ўтирсак, бир одам ёнимизга келиб: «Мен сизнинг санъатингизни жуда ҳурмат қилардим. Бу қанақаси, уялмайсизми бировнинг машинасида кулишиб ўтиргани? Ҳасан Йўлдошевдек яхши одамга хиёнат қилаясиз!», деб қолса бўладими? Хўжайиним билан анча вақтгача бу воқеани эслаб кулишиб юргандик.

М.М. - Бизнинг соҳада операторга кўп нараса боғлиқ бўлади. Бир сафар спектакл жонли ўйналиб, тўғридан-тўғри эфирга

М.М. - Одам олдингисидан яхшироқ асар қўя олишга кўзи етганига янғисига қўлири керак. Маҳалла мавзусида аминманки, яхши видеофильм қилса бўлади. Борди-ю, ёш режиссерларимиздан бирортаси билан ишга қўли урса, мен ҳам режиссурага оид, ҳам маҳалла тизимида оид ўзимнинг маслаҳатларим билан уни қўллаб-қувватлаган бўлардим.

М.М. - Одам олдингисидан яхшироқ асар қўя олишга кўзи етганига янғисига қўлири керак. Маҳалла мавзусида аминманки, яхши видеофильм қилса бўлади. Борди-ю, ёш режиссерларимиздан бирортаси билан ишга қўли урса, мен ҳам режиссурага оид, ҳам маҳалла тизимида оид ўзимнинг маслаҳатларим билан уни қўллаб-қувватлаган бўлардим.

М.М. - Одам олдингисидан яхшироқ асар қўя олишга кўзи етганига янғисига қўлири керак. Маҳалла мавзусида аминманки, яхши видеофильм қилса бўлади. Борди-ю, ёш режиссерларимиздан бирортаси билан ишга қўли урса, мен ҳам режиссурага оид, ҳам маҳалла тизимида оид ўзимнинг маслаҳатларим билан уни қўллаб-қувватлаган бўлардим.

М.М. - Одам олдингисидан яхшироқ асар қўя олишга кўзи етганига янғисига қўлири керак. Маҳалла мавзусида аминманки, яхши видеофильм қилса бўлади. Борди-ю, ёш режиссерларимиздан бирортаси билан ишга қўли урса, мен ҳам режиссурага оид, ҳам маҳалла тизимида оид ўзимнинг маслаҳатларим билан уни қўллаб-қувватлаган бўлардим.

М.М. - Одам олдингисидан яхшироқ асар қўя олишга кўзи етганига янғисига қўлири керак. Маҳалла мавзусида аминманки, яхши видеофильм қилса бўлади. Борди-ю, ёш режиссерларимиздан бирортаси билан ишга қўли урса, мен ҳам режиссурага оид, ҳам маҳалла тизимида оид ўзимнинг маслаҳатларим билан уни қўллаб-қувватлаган бўлардим.

Саодат УМУРЗОҚОВА суҳбатлашди

Ғиждувон туманидаги Улфатбиби қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи тадбиркор Мизроб Бобомуродов Ғишти қишлоғида харобага айланган бино ўрнида замонавий савдо маркази тиклади. Марказ иш бошлашга, қишлоқнинг 50 нафар йигит-қизи иш билан таъминланди.

Маҳаллаларда иш ўрни

ИЗЛАБ ТОПILГАН ИМКОН

Ғиждувонлик фермер Шариф Бекмуродов туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимидан 15 миллион сўм кредит олиб, сўтқасига 3 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга мини завод қурди. Натигада 15 нафар қишлоқ ёши янги иш ўрнига эга бўлди.

Қодир МУЛЛАЕВ, Ҳоразм. Илком САФАР, Узд муҳбири



Тўққиз одамга бир «Mahalla». Бу озми ёки кўпми? Энди, ҳар кимнинг ўз «Mahalla»си бўлганига нима етсин.

Ҳоким ва маҳалла

ЮРТ ТАЯНЧИ

Мустақиллик йилларида Олтинсой туманида барча соҳаларда юксалиш кузатилаётганда: қишлоқ хўжалик тармоқлари ривожланиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўлами ортди. Янги-янги осмонқулар бинолар қурилади, хизмат кўрсатиш корхоналарининг иш мазмуни ўзгарди.

Тўғри, муаммолар ҳам бор. Туманининг ҳудуди тоғ ва тоғ олди минтақасидан иборат. Тоғлик аҳолининг турмуш шароити яхшилаш эса осон иш эмас. Бу борада маҳалла фаоллари олдида катта масъулият бор. Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Рустам АЛИМОВ билан суҳбатимиз ҳам тоғлик аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш борасидаги тадбирлар хусусида бўлди.

Туманимиз аҳолисининг қарийб қирқ фоизи тоғли қишлоқларда яшайди. Шунинг учун ҳам тоғлик аҳолининг турмуш шароити бошқа ҳудуддагидан бир мунча фарқ қилади. Уларга савдо, тиббий, маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг ўзига хос томонлари бор.

Халқимиз асли меҳнаткаш, ғайрат-шижоатли. Мустақиллик берган имкониятлар одамларнинг кучига-куч қўшмоқда, фуқароларимизнинг руҳини тўқити. Буни туманимиз эришган ютуқлардан, деҳқонларимиз кўтариётган ҳосилнинг салмоғидан ҳам билса бўлади. Бу йил ғаллакорларимиз 5347 гектар ердан 18967 тонна сара доғ етиштирдилар. Бу ўтган йилги кўрсаткичларимиздан 6360 тонна кўп. Мева-сабзавот, узум, картошка ва пилла ишлаб чиқаришда ҳам ўтган йилги марраларни ортада қолдирдик. Пахтакорларимиз ҳам 12500 тонна ҳосил йиғиштирдилар. Чорвачиликда амалга ошириладиган ислохотлар ҳам ўз самарасини бермоқда.

Одатда, раҳбарнинг фаолиятига амалга оширилган ободонлаштириш, қурилиш ишларига қараб баҳо берадилар...

Ободонлаштириш ишларининг бош мезонига айланган. Бу ишга ҳамма бош қўшади. Айниқса, қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари оқсоқоллар ободончиликнинг асосий жонқуярлари. Ҳар бир иш уларнинг ташаббуси ва

ташкилотчилиги билан билади. Шунинг учун ҳам маҳаллаларимиз, қишлоқларимиз кундан-кунга кўриниб бораётган бўлади.



Ҳоким Рустам АЛИМОВ

Яқинда Хўжайипоқда 100 ўринга мўлжалланган сыхатгоҳ қурилиши бошланди. Туман марказида 600 ўринли касб-хунар коллежи қад рўстламоқда. Зардақул, Мармун, Биби-зайнаб маҳаллаларида врачлик пунктлари қуриб битказилди. Мустақиллик йилларида ун сақизта қишлоққа табиий газ келди. Уч йил ичида 720 ўринли иккита мактаб ўйил-қизларимизни бағрига олди. Икки минг квадрат майдонга эга бўлган савдо шобчаслари, 50 дан ортик маиший хизмат корхоналари иш бошлади.

Оқсоқол зиммасига масъулиятни вазибалар юксатилади. Табиийки, уни қўллаб-қувватлаш керак...

Нафақат туманимиз, балки умуман республикамизнинг ҳаётида оқсоқол-

ларимизнинг ўрни катта. Ўз ўрнида биз ҳам уларнинг фаолиятига алоҳида эътибор берамиз. Масалан, бизнинг туманда ҳар йили уч-тўрт марта оммавий ҳашар уюштирилади. Ҳашарнинг ташаббускори албатта оқсоқол. Шундай ҳашарлардан бири Хўжайипоқ зиёратгоҳига борадиган дара йўлида бўлди. Ба-жариладиган ишнинг лойиҳа бўйича қиймати 25 миллион сўм. Бу иш халқ кучи билан амалга оширилди. 3 қақиримлик дара йўли кесилиб, кенгайтирилди, асфальт ётқизилди. Туман марказида кенглиги 22 метр, узунлиги 4000 метр бўлган янги кўча ҳам маҳалла оқсоқоллари ташкилотчилигида қурилган. Туманимизда 9 қишлоқ, 48 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда. Оқсоқолнинг самарали ишлаши учун ҳамма шароитлар бор, бино, жиҳозлар, кадрлар етарли. Кўпчилик маҳаллаларимизда телефон алоқаси бор. Жобу, Узумчилик, Ипак, Батош, Марказ, Чеп, Янги қурилиш, Наврўз, Шакарқамиш, Янгиобод маҳалла оқсоқолларимизнинг фаолиятларидан ўрнак ола арийди. Оқсоқолларимиз ўз ғайрат-шижоатлари туфайли нафақат халқимизнинг, балки бизнинг ҳам юкимизни енгиллаштирмоқда, кўпгина муаммолар уларнинг фидойиликлари туфайли ижобий ечим топмоқда.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Омон ШУКУРОВ суҳбатлашди.

ОИЛАДА ФОЖЕА У ЮЗ БЕРМАСЛИГИ МУМКИН ЭДИ

Бироқ, у юз берди. Ваҳоланки унинг олдини олиш мумкин эди, агарки, маҳалла ва оила муносабати яқин бўлганда.

Умр инсонга бир марта берилади. Унинг ҳар бир куни, ҳар лаҳзи қадридли. Инсон бу дунёда яшашга, яна бахтли яшашга ҳаракат қилиши керак. Шу боисдан ўз жонига қасд қилган одамнинг ҳаракатини ҳеч қачон оқлаб бўлмайди. Лекин одам ҳеч қачон бирорлар таъсирини яшамайди. Бу фожиали қарор кимларнингир салбий таъсири туфайли унинг миёнага келган бўлиши ҳам мумкин-ку?

Жамиланинг эри Эркинбой ўша оқшом кўшнисининг тўғридан маст бўлиб қайтди. «Нега эшикнинг дарвор очмайсан», - дея Жамилани олатайдигдек курақда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлаб, калтаклади ва ухлаб қолди...

У хотинининг чинқирганидан уйғонганда Жамила дуч келган томонга ўзини уриб додларди. Лекин энди кеч бўлганди.

Эрини кеҳиришини, уни жазоламасликларини васият қилиб касалхонада оламдан кўз юмди. Қонун оилада эса ҳар ким ўз қилмишига яраша жазо олиши шарт. Олд суд Жамиланинг ўлимига сабабчи бўлган эри

Э.Хантбевни 5 йилга озодликдан маҳрум қилди. Лекин у икки нафар вояга етмаган фарзанднинг ота-онасиз қолиб кетаяётганини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан аъло қилинган амнистия тўғрисидаги Президент Фармониининг 2-моддаси қўлланилиб жазодан озод этилди.

Эркин ҳам қилмишидан пуншаймон. У жазодан озод этилди. Лекин у виждон азобидан кутула олармикин?

Шу ерда ҳақли савол туғилади. Эркинбой олдин ҳам тез-тез хотинини уриб тураркан. Сунти бор у аълолашиб уйига кетиб қолганида ойиси «Жон қизим, икки болани отасиз етим қилмагин!» дея ялиниб-ёлвориб уни оиласига қўшиб кетган. Лекин бир нараса қаттиқ таъбишлангирани кишини. Маҳалла оқсоқоли Ж.Шарифбоев сўзга берган кўрсатмасида «...Эркинбой олдинларни турмуш ўртоғи билан жанжаллашганини билмайман. У бу ҳақда бизга муурожаат қилгани йўқ» - деб тушунтиради. Бир оилада аълола уруш-жанжал давом этиб

қилиб, ҳатто Жамила онасининг олдига кетиб ҳам қолган онка бўлса-ю, бу ҳолдан оқсоқолнинг ҳам, бошқа фаолларнинг ҳам хабари бўлмаса. Қишлоқ шароитида бундай ҳолни сезмаслиги учун, бу маҳаллада ҳамма гўнгу кар бўлиши керак. Тўғри, бу ўринда балки оқсоқол фарзандларни ўйлаб ўзинча Эркинбойга раҳм қиладигандир. Аммо бу ҳақиқий чора эмас-да. Иккинчидан, ўша куни Эркинбой уйига тўйда ароқ ичиб маст бўлиб борган. Демак, маҳаллада тўйда спиртли ичимликлар қўйиш авжида экан.

Оқсоқол бу кўрсатмаси билан тўғри ўзи ва маҳалла фуқаролар йиғинини бу фожеадан айбдорликдан (айниқса «У бизга бу ҳақда муурожаат қилмаган» деган далили билан) сақлаб қолди. Фақат у бу билан йиғиннинг, фаолларнинг ўз фуқаролари ҳаётига ўта берадигани каби масъулиятсизлигини ҳам очик-ойдин таълоқланганини сезармикан!

АНЪАНА «САЛОМ, МАКТАБИМ!»

Кейинги вақтларда собиқ синфдошларнинг бирон-бир айём баҳонасида ўзлари сабоқ олган мактабларига тўп-лашиб, устозларни зиёрат қилишлари, бир-бирлари билан дийдорлашлари яхши одатга айланмоқда. Зеро кишининг болалик, ўсмирлик хотиралари албатта, мактаб билан боғлиқ бўлади. Биринчи кўнгирак, биринчи ўқитувчи, биринчи дарс... Булар киши юрагига илиқлик, ориқиш олиб кирадиган, ҳеч қачон унутилмайдиган хотиралар!

Навоий вилояти Хатирчи тумани Майдон маҳалласидаги Абдулла Қодирий номли мактабдан ҳар ўқув йили якунида юзга яқин ёшлар мустақил ҳаётга йўл оладилар. Бундан ўн йил олдин,

ларда мактабдош, синфдошлар жонажон мактабларига тўп-лашдилар.

Ўқувчилик пайтларидагидек, партияга жойлашиб, синфларни тўлдирдилар. Бу сафар улар билим ва баҳо олиш учун эмас, устоз ва ўқитувчиларни, буғун мактабда таълим олаётган издошларини кўргани, улғу айём билан кутлагани келдилар. Бу учрашув ҳақиқий байрамга, тантанасига айланди. Мактаб директори Юсуф Ҳамроев, ўқитувчилар Тошпўлат Райимқулов, Муродилла Муқимов, Обдуқул Тўйчиев, Шодиқул Тўйчиевлар ҳозирда турли соҳа ва касбларни эгаллаган шоғирларининг камоллари-

Қодир МУЛЛАЕВ, Ҳоразм.

Илком САФАР, Узд муҳбири

ни кўришдан хурсанд эканликларини таъкидладилар. Абдуҳаким Исмолов, Марҳаб Хўжақулова, Насриддин Ҳошимов, Убайдулла Исмоловлар барча биттирувчи шоғирлар номидан сўзга чиқиб, устоз ва ўқитувчиларга миннатдорчилик билдирдилар, эсдалик совғаларини тақдим этидилар. Шунингдек, собиқ ўқувчилар мактабга қўйиб қўйиб кириб келишмаган экан. Улар мактаб фондига моддий қўмак ҳам беришди. Масъулият бўлгани ўқувчилари ҳам собиқ биттирувчиларни қизгин кутиб олишди. Кеча сўнгида устозу шоғирлар шайхидлар хотирасига ўрнатилган ҳайкал пойига гулчамбарлар қўйиб, марҳумлар рўҳини шод этидилар.

Ҳабибулло ҲОШИМОВ, «Mahalla» муҳбири.

Абонементни тўғри тўлдирганингизни текширинг
Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.
Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштиргангизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.
Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштиргангизда карточкаларни смёёқ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдириг.

ХАЛҚ АОНИШМАНАЛИГИ, КЕКСА АВЛОДА ТАЖРИБАСИ, МАҲАЛЛА ҲАЁТИНИНГ ОЙНАСИ
MAHALLA
БИЛАН БИРГА БЎЛИНГИ!



ҚҲЙ (21.03-21.04)

Ҳафтанинг иккинчи ярмидан бошлаб, вазият ижобий тарафга ўзгаради. Жумладан, жума куни дам олишга ўнғай. Шанба ва якшанбани ҳам кўнгиладигидек ўтказиш учун монелик йўқ.

БУЗОҚ (22.04-20.05)

Чоршанба кунини эътиборга олмаганда, қолган кунлар ёмон эмас. Дам олиш кунлари тижорат бобидаги ишларингизни авж нуқтасига кўтарилиш эҳтимоли бор.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Шу кунлар сизга учрашувлар, хуш кайфият ва маблағ ваъда этмоқда. Қолаверса, ҳафтанинг жума куни дам олиб, ҳордиқ чиқариш учун айниқса қулай. Қисқаси, бу ҳафта сиз учун чи-накам байрамга айланади.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)

Чоршанбада молиявий жиҳатдан аҳволингиз ўнгиланиши кутилмоқда. Ҳафтанинг жума ва шанба кунлари бироз оғирроқ кечиши мумкин. Якшанбадан бошлаб аҳвол яхши томонга ўзгаради.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Чоршанбада бирон ихтилофга дучор бўлишдан сақланинг. Ҳафтанинг иккинчи ярми дам олиш ва тижорат ишлари учун ниҳоятда қулай келади, фурсатини бой берманг.

ПАРИЗОД (23.08-22.09)

Ҳафтанинг келаётган кунларида сиз тўла-тўқис «чўққида» бўласиз. Жума кунда кўтаринки кайфияти сизга ҳамроҳ бўлади. Дам олиш кунларида тижорат соҳаларида оширингиз олчи келади.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Чоршанбада кайфиятингиз яхши бўлади, пайшанбада эса молиявий аҳволингизни ўнглаб олиш имкони туғилади, Шанбада с

